

ISSN 2010-5460

MAKTAB VA HAYOT

Ilmiy-metodik jurnal

7-8/2013



Web site: <http://www.tashxis.uz>
e-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

HURMATLI HAMKASBLAR!

“MAKTAB VA HAYOT”

Jurnaliga 2014 yil uchun obuna boshlandi

2014 yilda “MAKTAB VA HAYOT” jurnalida (ilovasi bilan) turli ilmiy-metodik, didaktik, me'yoriy hamda axborot materiallari quyidagi ruknlarda nashr etilada:

- ★ **2014 yil - Sog'lom bola yili**
- ★ **“Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” amalda**
- ★ **Kasb-hunarga yo'naltirish nazariyasi va amaliyoti**
- ★ **Umumta'lim maktablarida psixologik xizmat**
- ★ **Amaliy psixologiya**
- ★ **Oila psixologiyasi**
- ★ **Defektologiya va tibbiy xizmat**
- ★ **Inklyuziv ta'lim**
- ★ **Axborot texnologiyalari**
- ★ **Mehnat ta'limi**
- ★ **Sog'lom avlod uchun**
- ★ **Ota-onalar maktabi**

Obuna indeksi

1019

Tel/fax 8 (371) 250-04-69

Web site: <http://www.tashxis.uz>

e-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

ТАХРИР ХАМФАТИ

Рахмош АСАТОВ
Директор
Рахмош АСАТОВ
Рахмош АСАТОВ
Рахмош АСАТОВ
Рахмош АСАТОВ
Рахмош АСАТОВ
Рахмош АСАТОВ
Рахмош АСАТОВ

БОШ МУХАББИР

Ҳикматулла РАШИДОВ

Муассаси
ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
Халқ таълими вазирлиги
Журнал 2007 йилдан чиқа
бошлаган

МАНСИЛИНИ

100072, Тошкент ша.
Мустақиллик йўли
100072, Тошкент ша.
Мустақиллик йўли

Журналнинг таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади

Журналнинг таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади

Журналнинг таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади
Журнал таърифи ва мақсади

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1019

МУНДАРИЖА

У.И. ИНОЯТОВ. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни онгли равишда касб танлашга тайёрлашнинг илмий-амалий омиллари.....	2
Ш.Т. ЭРГАШЕВ. Мактабгача таълим муассасаларида касб-хунарга йўналтириш ишлари.....	5
С.Н. АЛИМХОДЖАЕВА, Л.Р. ГАЙНУТДИНОВА, Ф.И. ХАЙДАРОВ. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда интерфаол усуллардан фойдаланиш.....	8
Э.Т. РАШИДОВА, М.Б. ДЖУМАБАЕВА. Арттерапия коррекция қилиш методларидан бири сифатида.....	13
Ж.Э. ТУРСУНОВ. Меҳнат таълимида ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлашнинг дидактик усули.....	17
О.С. МИРЗАЕВ, М.А. МИРЗАЕВ. Проектив расм чизиш методикаларининг амалий психологияда қўлланилиши.....	20
М.ШОДМОНОВА. Диагностик суҳбат методидан фойдаланишнинг афзалликлари.....	23
Ш.А. СОДИҚОВА, Ф.Н. АХАТОВА. Мактабгача таълим муассасасида таълимни ташкил этиш мазмуни ва шакллари.....	26
З.Х. ОДИЛБАЕВА. Меҳнат таълимига оид шартли белгилар ҳамда уларни ўзлаштириш.....	30
Х.Ф. РАШИДОВ. Касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларининг самарадорлиги ва уни такомиллаштириш йўналишлари.....	33
М.Р. РОЗИҚОВА. Мактаб амалиётчи психологининг иш ҳужжатлари ва уларни юритиш тартиблари.....	35
М.Ш. ШАМСИЕВА. O'quvchi-yoshlarni kasb-hunarga yo'naltirishda kitoblar targ'ibotining ahamiyati.....	37
Б.А. ФОЗИЛОВ. Социально-психолого-педагогическое сопровождение несовершеннолетних, находящихся в конфликте с законом.....	40
О.Е. ТЕРЕХОВА. Использование информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в эколого-валеологическом воспитании дошкольников.....	44
Г.Э. ДЖАНПЕИСОВА. Технологии плоскостного моделирования на базе игры «Танграм» в математической деятельности детей.....	47
Б.И. АНДРИЯНОВА. Повышение эффективности учебно-воспитательного процесса в начальных классах на основе личностно-ориентированного подхода к учащимся.....	50

ИЛОБА

ДАРС ИНТИЗОМИГА САЛБИЙ МУНОСАБАТДАГИ ЎҚУВЧИЛАРГА
НИСБАТАН КОНСТРУКТИВ ТАЪСИР ЭТИШ АМАЛИЁТИ
(Х.Ф.Рашидов, С.Н.Алимходжаева)

ДИАГНОСТИК СУХБАТ МЕТОДИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

М.Шодмонова, А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти "Маркетинг ва мониторинг" бўлими бошлиғи

Данная статья посвящена методу диагностической беседы, использованию ее в целях педагогического исследования. В ней рассматриваются также ее преимущества в диагностике индивидуальных-психологических особенностей, профессиональных интересов и склонностей собеседника.

Ключевые слова: диагностическая беседа, педагог-экспериментатор, общение, экстравертность, интровертность, мотивация, фильтрованные вопросы, контрольные вопросы.

This article focuses on the diagnostic method of conversation and using it for purposes of pedagogical research. It also discusses its advantages in the diagnosis of individual psychological characteristics, professional interests and aptitudes of the interlocutor.

Keywords: diagnostic interview, teacher-experimenter, communication, extroversion, introversion, motivation, filtered questions, checklists.



иагностик суҳбат – педагогик амалиётда таълим бериш методи сифатида кўпчиликка маълум.

Тажриба кўрсатадики, суҳбатдан фақат бирламчи вербал ахборотни тўплаш методи сифатида фойдаланилмайди. Суҳбат тўғри ўтказилганда, у шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини: мойилликларини, қизиқишларини, тарбияланганлик даражаси, ўқувчининг ҳаётий фактларга, ҳодисаларга, меҳнатга, ўз ҳатти-ҳаракатларига муносабатини чуқур ўрганиш ва аниқлаш имкониятини беради. Суҳбат натижасида педагогда тарбияланувчининг шахсий сифатлари тўғрисида кўпроқ яхлит тасаввур ҳосил бўлади.

Суҳбатнинг кучли томони, биринчидан, тадқиқотчининг синалаётганлар билан жонли мулоқоти, саволларни индивидуаллаштириш, уларни турли вариантларда ишлаш, қўшимча аниқлаштириш, жавобларнинг ишонарлилиги ва тўлиқлигини тезкор ташхислаш имкониятида; иккинчидан, сўровнинг ҳамма турларида тадқиқотчининг мақсадни белгилаши фараз кўринишида ифодаланади. Олдинга сурилган фаразнинг ҳаққонийлиги ёки ёлғонлиги тўғрисида ҳулосалар чиқариш имконини берадиган белгилар бор ёки йўқлиги аниқланади.

Афсуски, суҳбатдан диагностика методи сифатида методик жиҳатдан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бунда суҳбат орқали ахборот олиш имконияти чекланади. Шунинг учун суҳбат жараёнида тарбияланувчи

тўғрисида етарлича тўлиқ (қизиқтираётган) ахборотни, у тўғрисида кўпроқ маълумот тўплаш учун суҳбатга шахс диагностикаси методи сифатида қўйиладиган психологик-педагогик талабларни ҳисобга олиш зарур.

Энг аввало, суҳбатга пухта тайёргарлик кўриш, мақсад, вазифаларни аниқлаш, тахминий режа тузиш, ўқувчиларга берилиши керак бўлган асосий саволларни аниқ қилиб ўйлаб чиқиш керак. Педагог суҳбатнинг схематик режасини (нима ҳақида гаплашишни, нима аниқлашни, нимани қайд қилишни) ўйлаб чиқиши, суҳбатни қайси шаклда ўтказиш яхшироқлигини ўйлаб кўриши шарт. Бунда суҳбатдошнинг шахсий хусусиятлари (ташқи таъсирга берилувчанлиги, камгаплиги, одамови, қизиққонлиги, экстравертлиги, интровертлиги ва ш.к.)ни; унинг ҳолатини (аччиқланган, асабийлашган, қувноқ); унинг тадқиқотчи-педагогга муносабати (ишончсизлик, ёқтириш, ёқтирмаслик, ишониш)ни; унинг бўладиган суҳбат мавзусига тахмин қилинадиган муносабатини ҳисобга олиш лозим.

Суҳбатни бошлаш – бу ҳақиқий санъат, педагогикада бу масала бўйича ягона қоидалар йўқ. Аммо ҳар қандай суҳбатни мослашиш (адаптация) босқичидан бошлаган маъқул, бу жараёнда иккита жиддий мақсад: тарбияланувчида саволларга жавоб бериш мотивациясини ҳосил қилиш ва уни сезилмайдиган ҳолда диагностик изланишга тайёрлаш амалга оширилади. Бу босқичнинг асосий вазифаси – тарбияланувчи билан алоқа ўрнатиш, "суҳбатни

Amaliy psixologiya

улаб олиш"дан иборат. Суҳбат эркин бўлиши учун уни асосий мақсадга тегишли саволлардан эмас, балки иккинчи даражали (масалан, ўсмирлардан футбол ёки хоккей, кинофильм ёки умуман спорт ва ш.к. тўғрисида сўраш мумкин) саволлардан бошлаган маъқул. Масалан, суҳбат давомида тадқиқотчи ўқувчининг таълим муассасасида ўқитиладиган айрим ўқув фанларига нисбатан салбий муносабати сабабларини билмоқчи, дейлик. У шундай саволлар бериши мумкин: "Сен биринчи галда қайси фанларни ўрганишни хоҳлайсан?", "Сенга қайси фанлар қизиқроқ?" ва ш.к. Бу саволларга жавоблар ўқувчининг ўрганилаётган фанларга ижобий ёки салбий муносабатини келтириб чиқараётган ҳар хил сабабларни аниқлаш имконини беради.

Ўқувчида суҳбатда қатнашишга мотивация ҳосил қилиш – бирмунча мураккаб вазифа. Чунки, ҳар бир ўқувчининг ўз қизиқишлари ва интилишлари бўлади. Бундай мотивацияни қандай қилиб ҳосил қилиш мумкин? Ўқувчиларни саволлар билан қизиқтириш зарур. Айнан саволлар – суҳбатнинг энг муҳим таркибий қисми. Аммо саволлар уларнинг ҳаётий эҳтиёжлари, қизиқишлари, нималарни қадрлашлари ва афзал кўришларига тегишли бўлиши, пировардида эса, улар учун шахсий мазмунга эга бўлиши лозим. Ўқувчининг шундан кейинги қизиқишини ошириш ва тадқиқотчи билан муносабатини мустаҳкамлаш биринчи саволларга жавоб бериши жараёнида амалга оширилади. Бунинг учун муносабат ўрнатадиган деб номланадиган саволлардан фойдаланилади. Бундай саволларга жавоблар етарлича енгил ва суҳбатнинг бошидаги эҳтиёжларга тегишли бўлади. Улар имкони борича суҳбат (сўров) мавзусига яқин бўлиши ва ўқувчини тадқиқотчи ўрганаётган муаммолар доирасига сездирмай олиб кириши керак.

Масалан, касбга йўналтириш муаммоси бўйича коллеж битирувчисига шундай савол берилиши мумкин: "Фараз қилайлик, сенга мактаб битирувчиси касб танлашда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди. Сен унга қандай маслаҳат берган бўлар эдинг?" Бундай савол суҳбатдошга ёқмай қолиши мумкин эмас. Чунки унга маслаҳат сўраб мурожаат қилинмоқда. Бу савол ўқувчи танлаган касбининг нуфузли эканлигига тегишли, демак, коллеж ўқувчисининг мотивациясини белгилайди ва уни суҳбатнинг муаммолари доирасига олиб киради.

Сўров (суҳбат) кейинги босқичининг асосий

мазмунини – қўйилган мақсадга эришиш, яъни қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун зарур ахборотни йиғишдан иборат.

Суҳбат давомида қуйидаги савол турларидан фойдаланиш мумкин: йўналтирувчи-психологик, филтрлар ва назорат саволлари. Биринчи турдаги саволлар зўриқишнинг олдини олиш учун, бир мавзудан бошқасига ўтиш учун қўлланилади. Агар, масалан, сўровда тадқиқотчи томонидан тарбияланувчига унинг ўқув фаолияти билан боғлиқ бир қатор саволлар берилса ва ундан кейин эса, ҳеч бир сезиларли боғланишсиз унинг ота-онаси, ўртоқлари, тенгқурлари билан муносабатлари тўғрисидаги саволларга ўтиб кетилса, бундай бир мавзудан бошқасига кескин ўтиш тарбияланувчида таажжубланишни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ўтиш силлиқ бўлиши керак, тарбияланувчига кейинги саволларнинг зарурлигини билдириш лозим. Бунинг учун йўналтирувчи-психологик саволларнинг қуйидаги туркумидан фойдаланиш мумкин:

Ўқишдан кейин сен чарчаб уйга қайтиб келдинг. Уйда сени ота-онанг, аканг, синглинг кутганлар. Сенинг олдинга, эҳтимол, ўртоқларинг келишадими, ёки сен улар билан кинога, стадионга борасанми? Сен уйда бўлишни ёқтирасанми? Ҳа, йўқ. Сенинг уйингга дўстларинг келиб туришадими? Ҳа, йўқ.

Бу саволлардан кейин тадқиқотчининг оиладаги муносабатларга қизиқиб қолганлиги тўла асосланади, ўқувчида бу саволлар нима учун берилаётганлиги тўғрисида тушунмовчилик келиб чиқмайди ва у саволларга бажонидил жавоб беради.

Суҳбатнинг бошқа мавзусига ўтиш учун "энди эса ... ҳақидаги бир нечта саволларга ўтайлик", "ҳозир эса биров бошқа нарса ҳақида гаплашайлик" каби "кўприклар"ни ҳам тавсия қилиш мумкин.

Тадқиқотчи суҳбат давомида филтр саволлардан ҳам фойдаланади. Улар ўқувчи ҳаётидан айрим деталларни аниқлаш имконини беради. Масалан, ўқувчининг техник ижодиёт тўғрисидаги фикрини аниқлашдан олдин тадқиқотчи унинг бу тўғрада иштирок этишини аниқлаши керак, акс ҳолда бу саволларни бериш мўлжалланган ўқувчиларга берилмаган бўлади, бу эса натижаларнинг аралишиб кетишига олиб келади.

Нazorat саволлари суҳбатни ўтказиш амалиётида кенг тарқалган. Уларнинг вазифаси – олинган ахборотнинг ҳаққонийлигини таъ-

минлашдан иборат. Масалан, коллеж ўқувчиси ўзининг келгусидаги касбидан қанчалик мамнун эканлигини аниқлаш учун тадқиқотчи унга бир нечта саволлар беради: "Касб-хунар коллежида ўқишдан хурсандми? Унга коллежда нима ёқади ва нима ёқмайди? Дам олиш учун бўш вақт қоляптими?" бу саволлардан кейин биринчи назорат саволини бериш мумкин: "Бошқа коллежга ўтишни хоҳлармидинг?"; кейин иккинчисини: "Фараз қилайлик, қайсидир сабаблар билан коллежда ўқимай қўйдинг. Кейин унда ўқиш учун қайтиб келган бўлармидинг?" каби саволларга берилган жавобларни солиштириб кўриш ўқувчининг самимийлиги ҳақида маълумот беради.

Назорат саволлари бир нечта вазифаларни бажариши мумкин. Уларнинг ёрдамида фақат битта мавзу бўйича жавобларни назорат қилиш эмас, балки улар умуман ва шу билан бирга айрим саволларга ишонч коэффицентини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қила олади. Назорат саволларини кетма-кетликда бермасликни билиш зарур. Уларнинг орасида, одатда, иккита-учта савол қўйилади. Тадқиқотчи нима-ни аниқламоқчи эканлигини ўқувчи пайқамаслиги керак.

Суҳбатнинг диагностика методи сифатидаги муваффақияти кўп жиҳатдан тадқиқотчининг педагогик одобга риоя қилиши билан боғлиқ. Эркин шароит ўрнатиш, суҳбатга жонли фикрлар алмашуви хусусиятини бериш, расмийлик элементларини бартараф қилиш жиддий аҳамиятга эга. Суҳбатнинг самимий бўлишига қуйидагилар ёрдам беради:

- агар тадқиқотчи ўқувчининг "тепасида туриб олмаса", унинг ишончсизлиги ёки эҳтиёткорлигини келтириб чиқарувчи, унинг учун беғона, узоқ одам бўлишга интилмаса;
- агар тадқиқотчи ўз мулоҳазаларини хайрихоҳлик билан, маслаҳат шаклида айтса;
- агар тадқиқотчи суҳбатдошини диққат билан тинглай олса;
- агар тадқиқотчи ўқувчининг шахсий ишларига, қизиқишларига самимий қизиқишини ифода этса;
- агар тадқиқотчи сабр ва чидам, сезгир ва эътиборлиликни намоён этса;
- агар тадқиқотчи ўқувчининг психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олса;
- агар тадқиқотчи суҳбат жараёнида ўзаро ишонч ва бир-бирини тушуниш муҳитини яратса, принципааллик, ишчанликка риоя қилса, суҳбатдошини хушмуомалалик билан йўналти-

риб борса, унга "охиригача гапиришга" имкон берса, менсимасликка, такаббурликка, буйруқ оҳангига, таҳқирловчи сифатлашларга, хафа қиладиган кинояларга йўл қўймаса, суҳбатни терговга айлантириб юбормаса.

Натижада ўқувчи чин кўнгилдан ҳамдardликни, яхши муносабат ва ўзига жалб қилишни ҳис қилиб, унда тадқиқотчига нисбатан ишонч ҳосил бўлади, у ўзининг кўнглидаги фикрлари, ҳаётий интилишлари ва ш.к.ларни айтиб бера олади. Яхши, самимий суҳбат суҳбатдошга маънавий ва руҳий осойишталик топишга ёрдам беради, яхши ишчанлик кайфиятини ҳосил қилади.

Диагностик суҳбат вақтида ўқувчининг айтганларини қайд қилиш, ёзиш ва белгилар қўйиш тавсия қилинмайди, чунки бунда ўқувчи очиқчасига гаплашмай қўяди. Аммо олинган маълумотларни суҳбатдан кейин дарҳол кундалик ёки кузатишлар журнаliga киритиш зарур. Суҳбат натижалари диққат билан таҳлил қилинади.

Лекин суҳбатни ўқувчи шахси диагностикасининг универсал методи деб ҳисоблаш мумкин эмас. Масалан, шахс ва унинг ҳамма томонларини ҳам суҳбат методи билан ўрганиб бўлмайди. Ўқувчи ўзининг психик хусусиятларини, ҳолатини ва кўпгина психик жараёнларни тушунтириб бера олмайди. Шунинг учун суҳбат методи ўқувчи шахсини ўрганишнинг бошқа методлари тизимида қўлланилиши лозим.

Адабиётлар

1. Кушнер Ю.З. Методология и методы педагогического исследования (учебно-методическое пособие). – Могилев, МГУ им. А.А. Кулешова, 2001. – 66 с.
2. Зельцерман Б., Рогалева Н. Педагогическая диагностика успешности учебной деятельности. – Рига, Латвия.
3. Полонский В.М. Методы педагогических исследований.
4. Бабанский, Ю.К. Педагогический эксперимент / Ю.К. Бабанский // Введение в науч. исследование по педагогике. – М., 1988.
5. Загвязинский В.И. Методология и методика дидактического исследования / В.И. Загвязинский. – М., Педагогика, 1982.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Йўлдош АСАДОВ
Борис БЛЯХЕР
Комол ГАФУРОВ
Рисбой ЖЎРАЕВ
Улуғбек ИНОЯТОВ
Баходир НУРИДДИНОВ
Шариф ЭРГАШЕВ
Дилшод ЭРГАШЕВ
Гулбаҳор ЯДГАРОВА

БОШ МУҲАРРИР

Ҳикматулла РАШИДОВ

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Журнал 2001 йилдан чиқа
бошлаган.

МАНЗИЛИМИЗ

100022, Тошкент ш.,
Кушбеги мавзеси, 16А уй,
Тел/факс: 8 (371) 250-04-69
E-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

Муаллифнинг фўкри ҳар доим
ҳам таҳририят фикрига тўғри кела-
вермайди. Таҳририят мақолаларнинг
услубий хатоларини тўғрилаш ва
қисқартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб
қолади. Таҳририятга юборилган
мақолалар эгасига қайтарилмайди ва
тақриз қилинмайди.

Муаллифларнинг фамилияси,
исми, шарифи уларнинг паспортлари
маълумотларига мувофиқ ҳолда ёзи-
лади.

Мнение редакции не всегда со-
впадает с мнением автора. Редакция
оставляет за собой право на стилисти-
ческую правку и сокращение статей.
Присланные в редакцию рукописи не
возвращаются и не рецензируются.

Фамилия и инициалы авторов пи-
шутся согласно данным их паспорта.

Журналдан кўчириб босилганда
«МАКТАБ ВА НАУОТ»дан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 1019



МУНДАРИЖА

У.И.ИНОЯТОВ. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни онгли равишда касб танлашга тайёрлашнинг илмий-амалий омиллари.....	2
Ш.Т.ЭРГАШЕВ. Мактабгача таълим муассасаларида касб-хунарга йўналтириш ишлари.....	5
С.Н.АЛИМХОДЖАЕВА, Л.Р.ГАЙНУТДИНОВА, Ф.И.ҲАЙДАРОВ. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда интерфаол усуллардан фойдаланиш.....	8
З.Т.НИШАНОВА, М.Б.ДЖУМАБАЕВА. Арттерапия коррекция қилиш методларидан бири сифатида	13
Ж.Э.ТУРСУНОВ. Меҳнат таълимида ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлашнинг дидактик усули	17
О.С.МИРЗАЕВ, М.А.МИРЗАЁҚУБОВ. Проектив расм чизиш методикаларининг амалий психологияда қўлланилиши	20
М.ШОДМОНОВА. Диагностик суҳбат методидан фойдаланишнинг афзалликлари	23
Ш.А.СОДИҚОВА, Ф.Н.АХАТОВА. Мактабгача таълим муассасасида таълимни ташкил этиш мазмуни ва шакллари	26
З.Х.ОДИЛБАЕВА. Меҳнат таълимига оид шартли белгилар ҳамда уларни ўзлаштириш	30
Ҳ.Ф.РАШИДОВ. Касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларининг самарадорлиги ва уни такомиллаштириш йўналишлари	33
М.РОЗИҚОВА. Мактаб амалиётчи психологининг иш ҳужжатлари ва уларни юритиш тартиблари	35
М.ШАМСИЕВА. O'quvchi-yoshlarni kasb-hunarga yo'naltirishda kitoblar targ'ibotining ahamiyati	37
Б.А.ФОЗИЛОВ. Социально-психолого-педагогическое сопровождение несовершеннолетних, находящихся в конфликте с законом	40
О.Е.ТЕРЕХОВА. Использование информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в эколого-валеологическом воспитании дошкольников	44
Г.Э.ДЖАНПЕИСОВА. Технологии плоскостного моделирования на базе игры «Танграм» в математической деятельности детей	47
В.И.АНДРИЯНОВА. Повышение эффективности учебно-воспитательного процесса в начальных классах на основе личностно-ориентированного подхода к учащимся	50

ИЛОВА:

ДАРС ИНТИЗОМИГА САЛБИЙ МУНОСАБАТДАГИ ЎҚУВЧИЛАРГА
НИСБАТАН КОНСТРУКТИВ ТАЪСИР ЭТИШ АМАЛИЁТИ
(Ҳ.Ф.Рашидов, С.Н.Алимходжаева)